*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

# Давлат кадастрлари тўғрисида

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат кадастрларини юритиш, кадастрга доир ахборотни тўплаш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

**2-модда. Давлат кадастрлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Давлат кадастрлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат кадастрлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Давлат кадастри тушунчаси**

Давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у давлат кадастри юритиладиган табиий, хўжалик объекти ёки бошқа объект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми,

2

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри;

бинолар ва иншоотлар давлат кадастри;

давлат шаҳарсозлик кадастри;

гидротехника иншоотлари давлат кадастри;

тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат кадастри;

автомобиль йўллари давлат кадастри;

темир йўллар давлат кадастри;

транспорт қувурлари давлат кадастри;

алоқа объектлари давлат кадастри;

энергетика объектлари давлат кадастри;

ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат кадастри;

табиий хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри;

техноген хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри;

картография-геодезия давлат кадастри;

ҳудудлар давлат кадастри.

Давлат кадастрлари ягона тизимига қонун билан белгиланадиган бошқа давлат кадастрлари ҳам кириши мумкин.

**6-модда. Давлат кадастрлари объектлари**

Ер, фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген ҳосилалар, сувлар, ўрмонлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, алоҳида муҳофаза

4

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

зирлар Маҳкамаси, махсус ваколатли орган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

давлат кадастрларининг ягона давлат сиёсатини амалга оширади, уларни такомиллаштиришнинг уςтувор йўналишларини белгилайди, молиялаштириш ва инвестиция масалаларини ҳал қилади;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш тартибини белгилайди;

кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кадастрга доир ахборотни фойдаланувчиларга тақдим этиш тартибини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**10-модда. Махсус ваколатли органнинг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси давлат кадастр

6

Буклаш чизиғи

ларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор ҳамда сифат жиҳатдан тавсифлари ва баҳоси ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлади.

Кадастр объектларининг ҳолати тўғрисидаги ҳисобот давлат кадастрининг ҳар бир тури бўйича белгиланган тартибда тузилади ҳамда кадастр объектларининг алоҳида ҳудудлар ва бутун Ўзбекистон Республикаси бўйича миқдор ва сифат ҳолати, баҳоси ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

**17-модда. Давлат кадастрларига доир ахборотни тақдим этиш**

Давлат кадастрларига доир ахборот давлат ҳокимияти органларига бепул, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга эса белгиланган тартибда ҳақ эвазига тақдим этилади.

Давлат сири ҳисобланган давлат кадастрларига доир ахборотдан фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**18-модда. Давлат кадастрлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Давлат кадастрлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 декабр.

11

Қирқиш чизиғи

ҳақида ахборот тақдим этишлари шарт.

Давлат кадастрларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Давлат кадастрлари юритилишини молиялаштириш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

**13-модда. Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш**

Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юридик ва жисмоний шахсларнинг кадастр объектларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан эътироф этилиши ва тасдиқланишининг юридик ҳужжати ҳисобланади.

Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотларни давлат реестрларига киритиш йўли билан амалга оширилади.

Кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кадастр объектларининг барча мулкдорлари ва кадастр объектларига доир бошқа ҳуқуқларнинг эгалари учун мажбурийдир.

**14-модда. Кадастр объектларини ҳисобга олиш**

Кадастр объектларини ҳисобга олиш вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли бўлинмалари томонидан кадастр объектларининг чегаралари доирасида, шунингдек аҳоли пунктлари, туманлар, минтақалар, табиий ва иқтисодий тегралар ҳамда бутун Ўзбекистон Республикаси бўйича уларнинг амалдаги ҳолати ва улардан фойдаланилишига кўра олиб борилади.

**15-модда. Кадастр объектларини баҳолаш**

9

Қирқиш чизиғи

ларини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларни тегишли давлат кадастрларини юритиш учун зарур бўлган картография материаллари билан белгиланган тартибда таъминлайди;

давлат кадастрлари юритилишига доир норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**11-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни ташкил этадилар;

давлат ер кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш ишларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирадилар;

тегишли ҳудудлар давлат кадастрининг юритилишини ташкил этадилар;

7

Қирқиш чизиғи









## Кўза кунида синади

Лимбург вилоятида (Голландия) полиция ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ кишини ушлади. Текшириш пайтида маълум бўлишича, 89 ёшли бу қоидабузар ҳайдовчи 70 йилдан бери ҳеч қандай гувоҳномасиз машина рулини бошқариб келган экан. Полициянинг фикрига кўра, бу Нидерландияда «права»сиз машина ҳайдашдаги рекорд натижадир. Буни қарангки, шу 70 йил мобайнида қария бирор марта ҳам кўча ҳаракати қоидасини бузмаган экан.



## Куйловчи кружкалар

Кейинги вақтларда Мюнхендаги пивохоналарнинг биридан одамлар аримай қолди. Бунга сабаб, ушбу пивохонадаги антиқа кружкалардир. Кружкани кўтариб, оғзингизга яқинлаштиришингиз ҳамоно ундан халқ куйи эшитасиз, столга қўйишингиз билан куй тўхтайди.

**• Жумбоқ**

Ҳусни хат ўта синчковликни талаб қилади. Япон тилини ўрганаётган талаба бехато кўчирган нусха учун 25 балл олади. Ҳар бир хато учун баҳоси 1 баллга пасайтирилади. Айтингчи, талаба (ўнгдаги нусха) неча балл олган?

東志各笑露鎗
份爭起術創造
蔵亞家池的擔
梅鮮好八礦隄
惦冶被終城痹

東志各笑露鎗
份爭起術創造
蔵亞家池的擔
梅鮮好八礦隄
惦冶被終城痹

**Аввалги сондаги жумбоқнинг жавоби:**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 16 | 11 | 14 | 19 | 5 |
| 1 | 17 | 6 | 18 | 23 |
| 24 | 22 | 13 | 4 | 2 |
| 3 | 8 | 20 | 9 | 25 |
| 21 | 7 | 12 | 15 | 10 |

***Худди шундай натижага эришган (бошқа муқобилда) газетхонларимиз орасида полковник Абдусамад Хасанов, Қувондиқ Авазматовлар бор. Улар 136-35-60 телефонига тўғри жавоб йўллашган.***

# Жиззахда мини-футбол



*Мини-футбол бўйича Ўзбекистон Республикаси 5-чемпионатининг тур мусобақалари Жиззах шаҳридаги муҳташам Олимпия ўринбосарлари спорт коллежи ўйингоҳида бошланди.*

*Бу ерда ўтган йилги совриндорлар — Хиванинг «Р. Мадаминов» ҳамда Самарқанднинг «Термо» жамоаларидан ташқари «Жиззахоҳак», Сирдарё вилоятининг «Бахт-А» ҳамда Хоразмнинг «Ҳазорасп» жамоалари ҳам тўпланишган.*

*Чемпионатнинг дастлабки кунида «Ҳазорасп» жамоаси «Бахт-А»ни 9:5 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, «Термо» — «Жиззахоҳак» учрашуви 7:2 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди.*

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**• Бир жуфт тўртлик**

## *Бахтга ёр элим*

*Инсондан қолгани*
*ёниқ чироқ, бил,*
*Ҳеч нарса ёнмайди*
*қолдирмайин кул,*
*Дунёга келдингми,*
*кетмагин беун,*
*Яхши хислатингдан*
*баҳра олсин дил.*

* * *

*Дўст деб суянганинг*
*бўлсалар душман,*
*Кўзингга чўп солар*
*тополса имкон,*
*Бундайлар дўстига*
*ҳақман деб ўтар,*
*Чумчуққа қўриқчи*
*бўлгандек илон.*

**Шодиёр ТОШМУРОД ўғли.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Олий Мажлис депутати, Қўмита аъзоси Сайдулла Бегалиевга падари бузруквори **Бегали ТОЖИБОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкнет Давлат техника университети раҳбарияти «Нефть ва газ» факультети декани муовини Бахтиёр Юнусовга отаси **Хожиакбар ЮНУСОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.





«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 1115. 18120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ж. Саъдуллаев.
Навбатчи — Д. Турғунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *топширилди: 21.40* 1 2 3 4 5 6